

## Қўриқлаш хизмати кўрсатиш бўйича

### ШАРТНОМА

“01” *Давлат* 2022 йил

№ *7794-Б* сон

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҚББ Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҚББ Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси бошлиғи Қ.А.Шодибеков (кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритилади) бир томондан АТБ “Узсаноатқурилишбанк” Ал-Хоразмий филиали номидан, Ишончнома асосида фаолият юритувчи, АТБ “Узсаноатқурилишбанк” Ал-Хоразмий филиали бошқарувчиси А.А.Астракулов (кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади) иккинчи томондан, биргаликда “Томонлар” деб юритилади) мазкур Шартномани қуйидагилар хақида туздилар:

#### 1-боб. Шартнома предмети

1. Ижрочи саф бўлинмаси, ҳарбийлаштирилган ва соқчилик қўриқлаши кўринишида техник қўриқлаш марказидан (кейинги ўринларда ТКМ деб юритилади) фойдаланган ҳолда Буюртмачининг мулкани қўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, Буюртмачи эса мазкур Шартнома шартларига асосан ўз вақтида кўрсатилган хизмат учун тўловларни амалга ошириш мажбуриятини олади.

#### 2-боб. Умумий шартлар

2. **Буюртмачи** объектни қўриқлашга топширади ва “Қўриқлаш” эса ушбу вазифани қуйидаги кучлар билан бажаришни ўз зиммасига олади. Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси Учтепа тумани қўриқлаш бўлими шахсий таркиби орқали 1 та 8 соатлик (соат 09.00 дан 17.00 га қадар, тушликсиз, дам олиш якшанба ва байрам кунлари) саф бўлинмаси пости билан Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, ТХАЙ кўчаси 5-саноат худудида жойлашган АТБ “Узсаноатқурилишбанк” Ал-Хоразмий филиалига қарашли “Қурилиш моллари бозори” мини банкини (кейинги ўринларда объект деб юритилади) **Ижрочи**га топширади, **Ижрочи** қабул қилади.

3. Объектнинг қўриқлаш чегаралари (иморатлари, қурилмалари), постларининг (йўналишлари) жойлашуви чизма-режада кўрсатилади ва мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

4. Объектдаги кириш-чиқиш, ички объект режими Буюртмачи томонидан тасдиқланадиган кириш-чиқиш ва ички объект режимини ташкил этиш йўриқномасига мувофиқ амалга оширилади ҳамда мазкур Шартномага илова қилиниб унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5. Объектнинг техник қўриқлаш воситалари билан жиҳозлаш ва таъмирлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, техник қўриқлаш воситалари Ижрочининг айби билан ишдан чиққан ҳоллар бундан мустасно. Объектнинг ёнғиндан қўриқлаш ва хавф-хатар сигнализацияси билан жиҳозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6. Объектнинг қўриқлашда Буюртмачи билан келишилган ҳолда соқчи итлардан фойдаланиш мумкин.

7. Мазкур Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, объектда \_\_\_ иш куни ичида саф бўлинмаси қўриқлаш тури йўлга қўйилади.

Объектда соқчилик қўриқлаш тури ва ҳарбийлаштирилган қўриқлаш объектга \_\_\_ иш куни ичида йўлга қўйилади.

8. Буюртмачи кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган талабларни бажармаганда Ижрочи қўйилмайди, қўйилган Ижрочи эса чақириб олинади.



### 3-боб. Тўловларни амалга ошириш

9. Мазкур Шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мос ҳолда қуйидагича ҳисобланади:

а) пост-соат ҳисобида кўриклаш хизмати ҳисоб варақасига асосан (шартнома 1-илова ) тўловни амалга оширилади

10. Ижрочи хизматлари учун тўловларга ўзгартиришлар киритиш қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдиқланган ҳолларда қайта кўриб чиқилади.

11. **Буюртмачи** мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб, кейинги ойнинг бошланишига 10 кун қолганда **ойлик тўловни 100 фоизи миқдорида** амалга оширади.

**Буюртмачи** бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчи бўлса, ойлик тўловнинг **100 фоизи** миқдорида тўловини кейинги ой бошланишидан **10** кун олдин амалга оширади.

12. Хўжалик юритувчи субъект ҳисобланган Буюртмачи мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган ойлик тўловини ўз вақтида тўламаса, Ижрочи Буюртмачига ақцентсиз тўлов талабномасини тақдим қилишга ҳақлидир.

Мазкур Шартнома бекор қилинган ҳолларда Ижрочи Буюртмачи билан тўланган тўловлар бўйича қайта ҳисоб-китобни амалга ошириши зарур.

### 4-боб. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

#### 13. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ижрочидан белгиланган кўриклаш тартибига риоя этишини талаб қилиш;

хизмат кўрсатиш жараёнида Ижрочининг ходимлари томонидан интизомни бузиш ҳолатларини тўхтатиш ва йўл қўйилган камчиликларни бартараф қилиш бўйича керакли чоралар кўрилишини Ижрочидан талаб қилиш;

Ижрочининг хизматни ташкил қилиши ва амалга оширишини, кўриклаш турларига мос бўлган кийим-бош анжомлари (экипировкаси), қурол-аслаҳаларининг мавжудлигини назорат қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома шартлари бузилишининг ҳар бир ҳолати бўйича Ижрочининг вакили иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг айби билан йўл қўйилган камчиликлар аниқланган тақдирда Ижрочидан уларни бартараф этишни талаб қилиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талаблари бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарарни ундириш.

#### 14. Буюртмачининг мажбуриятлари:

мазкур Шартноманинг ажралмас қисми ҳисобланган 20 \_\_\_ йил “\_\_\_” \_\_\_ даги кўздан кечириш далолатномасига асосан кўриклашга топшириладиган объектни, алоҳида хоналарни техник мустаҳкамлаш бўйича тадбирларни бажариш, ўз ҳисобидан техник кўриклаш воситалари (объектнинг турига қараб пост қурилмалари ва уни иситиш ускуналари, постлараро алоқа, ички ва шаҳар телефонлари, ёнғиндан кўриклаш сигнализацияси, объект периметри бўйлаб керакли ёритиш воситалари, қулфлар, турникет, кузатиш майдончаси, шахсий текшириш хоналари, ишчи ва хизматчиларнинг шахсий буюмларини сақлаш хоналари, ёнғин ўчирувчи воситалар ва бошқалар) билан жихозлаш ва зарур ҳолларда уларни таъмирлаш;

ҳар қандай моддий қимматликларни объект ҳудудининг девор тўсиғидан \_\_\_ метр узоқликда (объект жойлашувини ҳисобга олган ҳолда) жойлаштириш;

Ижрочи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техник мустаҳкамлигини, кўриклашнинг техник воситалари билан таъминланганини, шу жумладан ёнғиндан кўриклаш сигнализацияси ҳолатини текшириш кўригини ўтказиш, аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари, Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда Томонларнинг вакиллари иштирокида далолатнома тузиш;

белгиланган кўриклаш режими талабларини бажариш ва техник кўриклаш воситаларининг тегишли ҳолатини таъминлаш;

бинода режалаштирилаётган капитал таъмирлаш ишлари, объектларни қайта жихозлаш, иш режимини ва ишлар профилини ўзгартириш, моддий қимматликларни сақлаш жойини ўзгартириш ёки янгиларини очиш, объект ёки унинг бир қисмини бошқа шахсларга ижарага бериш ёки мулк ҳуқуқини ўтказиш, кўриклаш турини, постлар дислокациясини ўзгартириш ёки





қўшимча қўриқлаш сигнализацияси воситаларини ўрнатиш бўйича тадбирларнинг ўтказилиши ҳақида Ижрочини бундай ишларнинг бошланишидан камида \_\_\_\_ кун олдин огоҳлантириш;

объектда иш куни якунида қўриқлаш сигнализациясини ёкиш, унинг носозлиги ҳолатида бу ҳақда Ижрочини огоҳлантириш ва носозлик бартараф этилмагунга қадар объектни ташлаб кетмаслик ва белгиланган тартибда қўриқлашга топшириш. Объектни қўриқлашга топширганлик ҳақида ТҚМни хабардор қилиб, 5 дақиқадан сўнг объектнинг қўриқлашга қабул қилинганлиги ҳақида ишонч ҳосил қилиш;

объектни, ёнғиндан қўриқлаш сигнализацияси билан жиҳозланган ҳар бир алоҳида хонани кундалик қўриқлашга топшириш, эшиклар қулфи, деразалар, дарчалар, люклар, вентиляция тешиклари ёпилганлигини ҳамда автоном қўриқлаш сигнализациясини ва ҳудуднинг ёритилиш ҳолатини текшириш, қўриқланадиган биноларда электр жиҳозларининг, бошқа ёнғин манбаларининг ёкилган ҳолда қолиб кетишининг олдини олиш ва бегона шахсларнинг объектда қолишига йўл қўймастик;

қўриқланаётган ҳудудда бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки қадокланган ҳолатда қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қўриқлашга топшириш;

махсус журналда ўз вакили томонидан имзо қўйиш йўли билан объектларни, алоҳида хоналарни қўриқлашга топшириш, қўриқлаш тугагандан сўнг қўриқлашдан чиқариш;

қўриқланадиган хоналарнинг бутунлиги бузилганлиги ҳақида ёки объектга бегона шахсларнинг кириши натижасида зарар етказилганлиги аломатлари мавжуд бўлганда зудлик билан Ижрочини хабардор қилиш ва объектга Ижрочи вакили етиб келгунга қадар кўрсатилган жойларнинг дахлсизлигини таъминлаш;

бегона шахсларга қўриқлаш ва сигнализация тамойиллари ва тизимини, шунингдек берилган пулт рақамларини ошқор қилмаслик;

Ижрочи вакиллари объектдаги ички тартиб ва техника хавфсизлиги қоидалари билан уларнинг ўз вазифаларини бажаришига оид қисми билан таништириш;

#### 15. Ижрочининг ҳуқуқлари:

Буюртмачидан объектда ўрнатилган кириш-чиқиш ва ички тартибга риоя қилинишини талаб қилиш;

мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш муносабати билан зарур бўлган маълумотномалар ва бошқа ҳужжатларни сўраш ва олиш;

қўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган қўриқлаш-техника воситаларини жорий қилиш бўйича Буюртмачига тавсиялар бериш.

#### 16. Ижрочининг мажбуриятлари:

объектда постлар дислокациясига (патрул йўналишига) мувофиқ қўриқлаш нарядини жорий этиш;

мазкур Шартномада ва унинг иловаларига мувофиқ объектни ҳамда қўриқлашга топширилган моддий қимматликларни қўриқлашни ташкил этиш ва таъминлаш;

қўриқланаётган ҳудуддаги, лекин бинодан ташқарида жойлашган моддий қимматликларнинг миқдори, ассортименти, ўралган ёки қадокланган ҳолатини текшириб, қайта ҳисоб-китоб асосида қабул қилиш-топшириш журналида рўйхатдан ўтказган ҳолда ҳамда Ижрочи ва Буюртмачи вакиллари томонидан имзоланган ҳолда қабул қилиб олиш;

объектда кириш-чиқиш ва объект ички тартибига риоя этиш, объект ҳудудига белгиланган тартибда моддий қимматликлар олиб кирилиши ва чиқилишини назорат қилиш;

пропуск режими мавжуд бўлган объектларда кун давомида назоратдан ўтказиш пунктдан бир марталик кириш рухсатномаси билан объектга киритилган ташриф буюрувчиларнинг чиқиб кетишини таъминлаш;

объектни қўриқлаш вақтида жойдаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бажарилишини таъминлаш;

объектда ёнғин чиқиши ёки ёнғиндан қўриқлаш сигнализациясининг ишлаб кетиши ҳолатида зудлик билан ёнғин бўлимига ёки Буюртмачига хабар бериш;

объектга бегона шахсларнинг кириб кетганлиги аниқланганда зудлик билан Буюртмачининг вакилини чақириш ва объектнинг дахлсизлигини таъминлаш;



ёнгиндан кўриклаш сигнализацияси ишлаб кетган ҳолатларда сигнализациянинг ишлаётганини сабабларини аниқлаш ва объектни қайта топшириш учун Буюртмачи вакилини чақиртириш, текшириш натижалари ва объектни қайта топшириш бўйича икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочининг ходимлари томонидан хизматни ташкил қилиш ва амалга ошириш, кўриклаш турларига мос бўлган кийим-бош, кийим-бош анжомлари (экипировкаси), қурол-аслаҳаларининг мавжудлигини таъминлаш;

объектни кўриклашга қабул қилганда ва топширилганда объектдаги техник мустаҳкамлик бўйича ва кўриклашнинг техник воситалари билан боғлиқ аниқланган барча камчиликлар ҳақида Буюртмачини хабардор қилиш;

Буюртмачи билан биргаликда ҳар чоракда камида бир марта объектнинг техникавий жиҳатдан мустаҳкамлигини, кўриклашнинг техник воситалари билан таъминланишини, жумладан ёнгиндан кўриклаш сигнализациясини текшириш кўригини ўтказиш, Буюртмачи томонидан аниқланган камчиликларни бартараф этиш муддатлари ҳамда Ижрочини бу ҳақда хабардор қилиш муддати ва тартибини кўрсатган ҳолда томонларнинг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш;

Ижрочи томонидан мазкур Шартнома талабларининг ҳар бир бузилиши бўйича Ижрочи ва Буюртмачининг вакиллари иштирокида икки нусхада далолатнома тузиш ва бир нусхасини Ижрочининг раҳбарига тегишли чоралар кўриш учун бериш;

кўриқланаётган хоналар бузилганлиги ёки мулкка етказилган зарар тўғрисида туман кўриклаш бўлимининг навбатчилик қисмига ва Буюртмачига зудлик билан хабар бериш, туман кўриклаш бўлими вакили етиб келгунга қадар ходиса юз берган жойнинг дахлсизлигини таъминлаш.

#### 5-боб. Томонларнинг жавобгарлиги

17. Мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган сумманинг Буюртмачи томонидан ўз вақтида тўламаганлиги учун Буюртмачи Ижрочига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорда, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

18. Ижрочининг ходими постда ва патрул йўналишларида бўлмаганида Ижрочи Буюртмачига ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим.

19. Пеняни тўлаш Буюртмачи ва Ижрочини ўз мажбуриятларини бузиш оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

20. Ижрочи мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги натижасида Буюртмачига етказилган зарар учун моддий жавобгар бўлади.

Ижрочининг айби билан зарар етказилганлиги аниқланган ҳолларда зарар тўлик миқдорда қопланади.

21. Ижрочининг айби билан етказилган зарарнинг миқдорини аниқлаш учун томонлар вакилларида иборат комиссия тузилиши мумкин. Бунда, зарар миқдори тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилиб, комиссия аъзолари томонидан тасдиқланади. Низо мавжуд бўлган тақдирда зарар миқдори суднинг қарори билан аниқланади.

22. Қуйидаги ҳолларда Ижрочи зарарни қопламайди:

ижрочи шартномада кўрсатилган мажбуриятларни тўлик бажарган бўлишига қарамастан зарар учинчи шахсларнинг жиноий ҳаракатлари натижасида етказилган бўлса ва бу суднинг қонуний қарори билан тасдиқланса;

қабул қилиш-топшириш журналида қайд этилмаган мулкка зарар етказилганда;

буюртмачининг ходимлари томонидан ёки уларнинг айби билан зарар етказилганда.

23. Мазкур Шартномада кўрсатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлик учун белгиланган неустойка (жарима, пеня) тўлаш ҳамда зарарни қоплаш Томонларни Шартномада кўрсатилган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.





## 6- боб. Низоларни ҳал қилиш тартиби

24. Мазкур шартномани тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилиш вақтида тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар, шунингдек етказилган зарарни қоплаш тўғрисидаги низолар қонун ҳужжатлари белгиланган тартибда Тошкент шаҳар туманлараро иқтисодий суд томонидан кўриб чиқилади.

## 7-боб. Форс-мажор

25. Томонлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади.

26. Енгиб бўлмайдиган куч ҳолатига ҳавола қилувчи Томон бошқа Томонни бундай ҳолатлар бошланганлиги ва тамом бўлганлиги тўғрисида икки кун ичида ёзма шаклда хабардор қилиши шарт. Ушбу муддат ичида хабар бермаган Томон мазкур Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлиги учун жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида кўрсатишга ҳақли эмас.

Форс-мажор ҳолатларига сув тошқинлари, ер кимираши ва бошқа табиий ҳалокатлар, шунингдек эпидемиялар, ёнғинлар, портлашлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мазкур Шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган қарорлари қиради.

27. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса Томонлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

## 8-боб. Яқуний қоидалар

28. Мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб кучга қиради.

Мазкур Шартнома бюджет ташкилотлари ёки бюджет маблағлари олувчилари билан тузилганда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг кучга қиради.

29. Мазкур Шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма шаклда тузилганда ҳамда Буюртмачи ва Ижрочининг вакиллари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқийдир.

Томонлар мазкур шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки ўттиз кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

30. Шартноманинг амал қилиш муддати қуйидагича белгиланади:

Ушбу шартнома 1 (бир) йил муддатга 2 (икки) нусхада тузилиб, биринчи нусхаси Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармасига ва иккинчи нусхаси буюртмачига берилади. Хўжалик юритувчи субъектлар бўйича — Томонлар тарафидан имзоланган кундан бошлаб Томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажарганига қадар:

бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилари бўйича — белгиланган тартибда ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб \_\_\_\_\_ йилнинг 31 декабрь куни охиригача.

Буюртмачи хўжалик юритувчи субъект бўлган тақдирда Буюртмачи мазкур Шартномани бекор қилиш ҳақида Ижрочига Шартнома муддати тугашидан 30 кун олдин маълум қилмаса, мазкур Шартноманинг амал қилиш муддати худди шу муддатга ва худди шу шартларда узайтирилган ҳисобланади.

31. Агар техник қўриқлаш воситалари Буюртмачининг айби билан ишдан чиққан, капитал ёки жорий таъмирлашни талаб қилса, бироқ Буюртмачи буни рад этса, Ижрочи Буюртмачига етти кун олдин ёзма маълум қилган ҳолда алоҳида объектларни қўриқлашни рад этиши мумкин.

32. Буюртмачи кетма-кет уч марта мазкур Шартноманинг 11-бандида кўрсатилган тўловни белгиланган муддатда тўламаса, Ижрочи мазкур шартномани Буюртмачини ёзма равишда огоҳлантирган ҳолда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.



33. Ижрочи кетма-кет уч марта пост ва патрул йўналишларида кўриқлаш тартиби бузса, Буюртмачи мазкур шартномани Ижрочини ёзма равишда огохлантирган холда бир томонлама бекор қилишга ҳақли.

34. **Буюртмачи** алоҳида объектларни кўриқлашни рад қилиш ёки мазкур Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида **Ижрочига бир ой** олдин ёзма равишда маълум қилади. (эслатма: Банк муассасаси бекор қилиш бўйича ҳукумат қарорлари ва юқори турувчи органларини фармойишлари асос бўлади).

35. Тарафлар ўзлари тузган хўжалик шартномасининг шартларини уларнинг шартнома тузилишидан олдин вужудга келган муносабатларига нисбатан қўлланилади деб белгилаб қўйишга ҳақлидирлар. Шартнома муддати тугаши томонларни уни бузганликлари учун жавобгарликдан озод қилмайди.

36. Объектнинг хусусиятидан келиб чиқиб Томонлар мазкур Шартномага конун ҳужжатларига мувофиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларини назарда тутувчи қўшимча бандлар киритишлари мумкин.

37. Ушбу шартнома икки томонлама имзолангандан сўнг кучга киради ва 2020 йил 01 февраль кундаги №7794-Б сонли томонлар ўртасида тузилган шартнома ўз кучини йўқотади.

### 9-боб. Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари

#### “ИЖРОЧИ”

Тошкент шаҳар Кўриқлаш бошқармаси  
Тошкент шаҳар, Марказ-4, Қашкар кўчаси, 3-уй  
Х/р: 21 596 000 300 447 995 001  
МФО: 00014 ИНН: 202 628 856  
ОКОНХ: 97920  
Ўз.Р. Марказий банки Бош Бошқармасининг  
ХҚМ Тошкент шаҳар  
Тел: 71-234-49-24

#### “БУЮРТМАЧИ”



Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси  
ҚББ Тошкент шаҳар Кўриқлаш бошқармаси  
бошлиғи



К.А. Шодибеков

АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк”  
Ал-Хоразмий филиали бошқарувчиси




А.А. Астракулов





**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

Ўзбекистон Республикаси Миллий Суди Яқин  
ҚББ Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси  
бошлиғи




**К.А.Шо-зибеков**

**“РОЗИМАН”**

АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк”  
Ал-Хоразмий филиали  
бошқарувчиси



**А.А.Астракулов**

Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, ТХАЙ кўчаси, саноат кўчқудда жойлашган АТБ “Ўзсаноатқурилишбанк” Ал-Хоразмий филиалига қарашли “Савдо моллари бозори” минибанкини қўриқлашда хизмат қилаётган Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси Учтепа тумани қўриқлаш бўлими саф бўлинмасини 2022 йил 01 январь кундан моддий таъминлаш учун тузилган.

**ҲИСОБ-ВАРАҚАСИ**


Қўриқлаш ойлари	Пост сони	Қўриқлаш вақти	бир ойлик қўриқлаш вақти соат	Қўриқлаш пост/соат нархи	Жами
Январь	1	8	192	58304	<b>11194368</b>
Февраль	1	8	192	58304	<b>11194368</b>
Март	1	8	184	58304	<b>10727936</b>
Апрель	1	8	208	58304	<b>12127232</b>
Май	1	8	192	58304	<b>11194368</b>
Июнь	1	8	208	58304	<b>12127232</b>
Июль	1	8	200	58304	<b>11660800</b>
Август	1	8	216	58304	<b>12593664</b>
Сентябрь	1	8	192	58304	<b>11194368</b>
Октябрь	1	8	200	58304	<b>11660800</b>
Ноябрь	1	8	208	58304	<b>12127232</b>
Декабрь	1	8	208	58304	<b>12127232</b>
Жами					<b>139 929 600</b>

**ЖАМИ:**

**139 929 600**

**Бир юз ўттиз тўққиз миллион тўққиз юз йигирма тўққиз минг олти юз сўм.**

Тошкент шаҳар Қўриқлаш бошқармаси  
МИБ бошлиғи



**Н.Н.Рўзибоев**